

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2014 йил 14 март • № 11 (980)

Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!

ЎЗБЕКИСТОНДАЙ ЮРТДА ЯШАШ — БАХТДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги 2133-сонли “Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан республиканинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш учун “Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида жорий йилнинг 10-15 март кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ва юқори малакали шифокорлари, шунингдек маҳаллий мутахассислар штирокида тадбир бўлиб ўтмоқда.



Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказининг Хоразм филиалида мураккаб операция амалиёти бажарилмоқда.



Ниҳоятда қизгинлик билан олиб борилаётган мазкур тиббий кўриқка аҳолининг барча қатлами жалб этилган бўлиб, улар давлатимизнинг бундай эътибор ва ғамжўрлигидан мамнун бўлаётганлигига гувоҳ бўлдик. Кўрик жараёнлари билан яқиндан танишиш,

шу билан бирга мутахассислар ҳамда аҳолининг фикрларини жойида тинглаш ва кузатиш мақсадида юртимизнинг чекка ҳудудлари бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида бўлиб қайтдик.

(Давоми 2-3-бетларда).

ИМКОНИАТ

ЯНГИ ЎҚУВ-ИЛМИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Жорий йилнинг 11 март куни Тошкент тиббиёт академиясида “Стоматология ва терапия ўқув-илмий маркази” очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Мазкур марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарорига асосан Инвестиция дастури асосида капитал таъмирланди. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, ўзига хос замон талабларига жавоб бера оладиган ушбу ўқув даргоҳи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг саъй-ҳаракатлари билан Тошкент тиббиёт академияси негизида ташкил этилди.

“Стоматология ва терапия ўқув-илмий маркази” очилишига бағишланган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров кириш сўзи билан очиб, тиббиёт таълими тизимини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларнинг билим олиши ва касб малакасини бойитишда олиб борилаётган самарали ишларга



алоҳида урғу қаратиб, фаолият бошлаган ушбу ўқув-илмий марказининг ташкил этилганлиги ҳам тиббиёт тизимидаги эзгу ишларнинг амалий ифодаси эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, соҳа мутахассислари ҳам сўз олиб, бундай жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган илм даргоҳидан

(Давоми 5-бетда).

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин! ЎЗБЕКИСТОНДАЙ ЮРТДА ЯШАШ — БАХТДИР

Аҳамиятли томони шундаки, аҳолининг тиббий кўриққа ишончи ва саломатлигига бўлган эътибори ошганлиги диққатимизни ўзига жалб этди. Албатта, бундай кенг доирадаги тиббий кўриқни ташкиллаштиришнинг ўзи бўлмайди. Бу тиббиёт муассасаларининг шифокор ва ҳамширалари томонидан аҳоли орасида тарғибот ишлари фаол олиб борилганлигининг ёрқин ифодасидир.

Хизмат сафари давомида Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак, Тахтакўпир, Амударё ҳамда Чимбой туманларида истиқомат қилаётган аҳолининг тиббий кўриқ жараёнларидаги иштирокини кузатиб, мутахассислар ҳамда фуқаролар билан суҳбатда бўлдик.

Улуғбек СОБИРОВ,
Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология
илмий-амалий тиббиёт маркази директори,
тиббиёт фанлари доктори, гуруҳ раҳбари:

— “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ўтказила-



ётган ушбу тадбирда илк бор иштирок этишим. Бунинг халқимиз саломатлиги учун аҳамияти қанчалик муҳим эканлигини билар эдим, лекин жараён мобайнида бунга янада амин бўлдим. Қорақалпоғистон Республикасининг 11 та тумани аҳолисини гуруҳимиздан 15 нафар юқори малакали мутахассислар (дерматовенеролог, хирург, нейрохирург, кардиолог, невропатолог, терапевт, эндокринолог, офтальмолог, ЛОР, уролог, ортопед-травматолог, УТТ, педиатр, стоматолог ва акушер-гинеколог) чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишмоқда. Қораўзак ва Тахтакўпир, Амударё ва Чимбой туман тиббиёт бирлашмаларининг кўп тармоқли марказий поликлиникаларида бўлиб, фуқаролар-

нинг саломатликларини текшириб, керакли тавсия ва маслаҳатлар беришди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикасининг етакчи клиникаларида операция амалиётлари амалга оширилмоқда. Дерматовенеролог мутахассиси сифатида назоратда турувчи беморлар ҳамда соғлом фуқароларни текширувдан ўтказар эканман, уларнинг айримларида тери касалликлари борлиги аниқланди. Қабулимга келган чимбойлик 5 ёшли Ислонбек Отемисовни текширганимда унинг терисиде фринодерма ва отолик дерматит касаллиги ривожланаётганлигини кўриб, отонасига ушбу касалликнинг ўз вақтида олди олинмаса, жиддий тус олиб кетиши мумкинлигини тушунтириб, керакли муолажалар ўтказилишини тавсия қилдим. Биз билан биргаликда кўриқда иштирок этаётган маҳаллий мутахассисларнинг ҳам билим ва тажрибалари етарли десам, хато бўлмайди. Дерматовенеролог мутахассиси сифатида айтмоқчиманки, тери касалликларининг олдини олишда марказимиз худудлардаги диспансерлар билан вертикал тарзда фаолият олиб бормоқда. Бунинг натижасида кўпгина тери касалликларининг олдини олишга эришилмоқда. Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, ташкил этилган ушбу тиббий кўриқ биринчи навбатда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш билан бирга, халқимизнинг ўз соғлигига бўлган эътиборини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишонимиз.

Шавкат САЛИМОВ,
хирург, Республика болалар кам инвазив ва индовизуал хирургия
илмий-амалий маркази директори,
тиббиёт фанлари доктори:

— Чимбой ва Кегейли туманларидаги болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш чоғида уларда кечаётган хирургик касалликларнинг айримлари аниқланди. Уч томонлама тавсия ва маслаҳатлар берилди. Бирламчи касалликлар бўйича ўз худудиде даволаниш, иккиламчи ва учламчи касалликларни эса Нукус шаҳри ва пойтахтимиздаги клиникаларда даволаш буюрилди. Шунингдек, текширилган болалар орасидан уч нафариде Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли марказида операция ўтказишни режалаштирдик. Бу албатта, узок худудда яшовчи аҳоли учун катта имконият деб биламан. Ана шундай чуқурлаштирилган тиббий кўриқларнинг ўтказилиши юртимиздаги ислохот жараёнлари натижасидир.



Абдурасул ҲОШИМОВ,
Тошкент врачлар малакасини
ошириш институти травматология-
ортопедия кафедраси ассистенти,
тиббиёт фанлари номзоди:

— Қораўзак, Тахтакўпир туманларида 100 га яқин, Кегейли, Чимбой туманларида 130 дан зиёд ва Амударё туманида 80 дан ортиқ беморларни тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида уларда (болалар ва катталар) ортероз, артрит, остеохондроз, сколиоз, сон суюгининг туғма чиқишлари, туғма маймоқлик ва артирогрипоз каби касалликлар борлиги аниқланди. Айниқса, Амударё туманида болалар орасида сколиоз ҳамда сон суюгининг туғма чиқишлари кўпроқ учради. Ота-оналарга болаларда учрайдиган юқоридаги жиддий касалликларнинг олдини олишга доир керакли маслаҳатлар билан бир қаторда, Республика травматология ва ортопедия институтига йўлланмалар бердик.

Ислон ТИЛЕМУРАТОВ, Чимбой тумани:

— Ўтган йили қулоғимда сурункали йирингли отит аниқланиб, унинг асоратидан сўнг операция амалиёти Нукус шаҳрида амалга оширилди. Бугун Тошкентдан келган шифокорларга мурожаат этганимда операция яхши амалга оширилганлиги ва қулоғимдаги жиддий касалликдан фориг бўлганлигимни айтишди. Буни эшитиб жуда хурсанд бўлдим.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Турсуной МУСРАЛИЕВА,
Чимбой тумани:

— 85 ёшдаман. Ўтган йили Тошкентдан келган шифокорлар қабулида бўлган эдим. Мени кўпроқ қон босимим ошиб туради. Улардан олган тавсиялар бўйича даволандим. Аҳволим анча яхшиланди. Бугунги тиббий кўриқда УТТ врачлари Шохидохон соғлигимни янги аппаратда текшириб кўрди. Ташхисга қараганда буйрак, ўт қопимда шамоллаш белгилари борлигини айтиб, уролог ва терапевт шифокорларга йўллади. Шу билан бирга окулист, эндокринолог ҳамда травматолог кўриғида бўлдим. Жиддий касалликлар йўқлигини эшитиб, кўнглим таскин топди. Қўлларимни дуога очиб, Юртбошимиз ва барча врачларга катта раҳмат дейман.



Ўрозмат ЖУМАТОВ,
Тошкент врачлар малакасини
ошириш институти
1-стоматология кафедраси
профессори:

— Кенг қамраб олинган ушбу тиббий кўриқда стоматолог-мутахассисларнинг илк бор иштироки шуни кўрсатдики, аҳолининг бу соҳа мутахассисларига эҳтиёжи борлиги маълум бўлди. Қораўзак ва Тахтакўпир туманларида 60 дан ортиқ, Кегейли ва Чимбой туманларида 100 га яқин аҳолининг оғиз бўшлиғидаги касалликларни текширувдан ўтказилди. Айниқса, текширувлар натижаси аҳоли орасида сурункали катарангитит, туғма нуқсонлар, тишининг нотўғри чиқиши каби касалликлар борлигини кўрсатди. Юқорида таъкидланган туманлар марказдан жуда олисда бўлганлиги сабабли беморлар ўз вақтида шифокорга мурожаат эта олишмаган, бунинг оқибатида касалликлар авж олиб кетган. Эндиликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Саломатлик-2” лойиҳаси тақдим этган энг сўнгги русумдаги стоматология аппаратларининг етказилганлиги албатта қувонарли ҳол бўлиб, аҳоли учун қатор қулайликлар, яъни вақт тежалади, иқтисодий муаммога чек қўйилади, касаллик ўз вақтида бартараф этилади. Кўриқдан ўтган айрим беморларга зарурий муолажалар билан бирга, ўз худуди ҳамда Нукус шаҳрига даволаниш учун йўлланмалар бердим.

Юлдуз МИРНИЯЗОВА,

Чимбой тумани, Айтеки посёлкаси:

— Бир неча йиллардан буён милк оғриқлари ва тишим безовта қилиб келарди. Шу кунга қадр керакли муолажаларни олдим. Тошкентдан келган стоматологларни эшитиб, профессор Ўрозмат ака Жуматов қабулида бўлдим. Улар менга касаллигим тўғрисида маълумот бериб, ўша жойни ўзида даволашга киришдилар. Тажрибали стоматологнинг текширувидан сўнг оғиз бўшлиғимда сурункали касалликлар кечаётганлиги аниқланди. Бундан ташқари, УТТ, эндокринолог, ЛОР, невропатолог, кардиолог ва акушер-гинеколог қабулида ҳам бўлдим. Улар ҳам ўзларининг керакли тавсия ва маслаҳатларини бердилар.

Улуғбек ҲАСАНОВ,
Тошкент тиббиёт академияси
3-клиникаси отоларимология:

— Кўриқ жараёнида Қораўзак ва Амударё туманларининг 200 дан ортиқ, Чимбой ва Кегейли туманларида эса 180 га яқин аҳолини тиббий кўриқдан ўтказдик. Аҳоли орасида асосан қулоқ, томоқ ва бурун касалликларининг сурункали кечиши кўп учради. Айниқса, кўриқ жараёнида туғма нуқсонлар, ортирилган жароҳатлардан кейинги кар-соқовлик, сурункали йирингли отит касалликлари аниқланди. Жиддий касалликлар аниқланган беморлар, яъни операцияга муҳтож бўлганлар республика ва Нукус шаҳрининг етакчи клиникаларига даволаниш учун йўлланди. Барчамизга маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси туманлари марказдан олисда бўлганлиги сабабли, соҳа мутахассисларига ўз вақтида мурожаат қила олмайдилар. Маҳаллий мутахассислар имкон даражасида касалликларни бартараф қилишяпти. Лекин айрим муаммолар иш самарадорлигини қасбтиряпти. Жумладан, юқоридаги туманларнинг айримларида қулоқнинг эшитиш даражасини аниқлайдиган аудиометр аппарати йўқлиги ва тиббий инструментларнинг етишмаслиги касаллик кўрсаткичлари ошишига сабаб бўлмоқда. Умид қиламизки, бу каби аниқланган камчиликлар мутасадди ташкилотлар томонидан ҳал этилади.



Богот ва Кегейли туманларида
истиқомат қилаётган аҳоли тиббий
кўриқ кун “Проксан-2000” қамали
флюоромобил воситасида
кўриқдан ўтишди. Шунингдек,
Қорақалпоғистон Республикаси
«Дори-дармон» акционерлик жамияти
томонидан ташкил этилган
кўчма аптекадан дори-дармонлар
олишди. Бундай шароит ва имкониятлардан аҳоли ниҳоятда мамнун
бўлди.

(Давоми 3-бетда).

Хоразм вилояти

ЎЗБЕКИСТОНДАЙ ЮРТДА ЯШАШ — БАХТДИР

Фарход ОКИЛОВ,
профессор, Республика
ихтисослаштирилган урология
маркази директори,
гурух раҳбари:



– Бир неча йилдан бери ўтказилаётган ушбу тиббий кўрик халқимизнинг тиббий саводхонлигини ошириш билан бирга, саломатлигига бўлган эътиборини, қолаверса, тиббиёт ходимларига ишончини орттирмоқда. Бундан ташқари, Юртбошимизнинг соҳага оид чиқараётган қарор ва фармонлари замирида инсон саломатлиги ва манфаатлари ётганлигини аҳоли чуқур англаб етмоқда. Мазкур тадбирда ҳар йили гуруҳим билан Хоразм вилояти аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқдамиз. Ўтган йилдаги тиббий кўрик кўрсаткичларига қараганда айрим касалликлар камайган. Бу албатта, давлатимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган “Саломатлик ҳафталиклари”нинг узвий бирлиги деб биламан. Уролог сифатида айтмоқчиманки, Хоразм вилояти аҳолиси орасида буйрак-тош касалликлари ҳам йўқ эмас. Қабулимизда бўлганларнинг кўпчилигида ушбу касаллик, шунингдек, пешоб йўллари инфекциялари учради. Уларга керакли даво муолажалари буюриш билан бирга, марказимиз ҳамда Хоразм филиалида буйрак-тош касалликларининг айримларини операциясиз ва операция орқали амалга ошириш мўҳимлигини айтдим. Гуруҳимиз 15 нафар мутахассисдан иборат бўлиб, улар тушликкача туман тиббиёт бирлашмасида замонавий аппаратуралар асосида беморларни тиббий кўриқдан ўтказиб келмоқдалар. Шунингдек, тушдан сўнг оғир аҳволдаги беморларнинг уйларида бориб, ўша ернинг ўзида керакли муолажаларни ўтказмоқдалар. Бу йилги мутахассислар қаторига стоматолог-шифокорнинг қўшилганлигидан аҳоли жуда мамнун бўлди. Умид қиламанки, бу йилги чуқурлаштирилган тиббий кўригимиз ўз самарасини беради. Чунки, аҳолининг ана шундай тиббий кўриқларга ишончи ортиб бормоқда.

Воҳид РОЗУҚУЛОВ,
офтальмолог, Республика
ихтисослаштирилган кўз
микрхирургия маркази
директори ўринбосари,
тиббиёт фанлари номзоди:



– Қабулимизга келган ҳар бир беморда кечаётган кўз касалликларини текширувдан ўтказар эканмиз, уларнинг айримларида катаракта, глаукома, миопия, гиперметропия, эт ўсиши, қандли диабетда тўрпарданинг ўзгаришлари, бундан ташқари,

кўздаги туғма нуқсонлар аниқланди. Касаллиги жиддий бўлган беморлардан 24-25 нафари республикадаги етакчи клиникаларга ҳамда 35-40 нафари вилоят тиббиёт муассасаларига йўлланма асосида жўнатилди. Шу ўринда таъкидламоқчиманки, ушбу тадбир доирасида глаукома ва туғма касалликларга катта эътибор қаратилиб, ҳамоҳанг тарзда “Бутунжаҳон глаукома ҳафталиги” ҳамда ҳудуддаги мутахассис ва аҳоли учун лекциялар ташкил этилиб, марказимизнинг Хоразм филиалида амалиётлар бажарилди. Шу билан бирга, қабулимизга кирган ҳар бир беморга глаукома касаллиги бўйича буклет ва тарқатма материаллар бердик. Бундан ташқари, марказимизнинг Хоразм филиали мутахассисларининг барчасига жаҳон стандартлари асосида тайёрланган глаукома касаллиги бўйича нашр этилган китоб ҳам совға қилдик. Бу албатта, уларнинг тажрибалари янада бойишида мўҳим аҳамият касб этади. Тиббий кўрик давомида, яъни тушдан сўнг филиал марказида ҳар куни 3-4 нафар беморлардаги катаракта ва глаукома касалликлари амалиётини маҳаллий мутахассислар билан биргаликда муваффақиятли ўтказиб келмоқдамиз.

Ойбири ЯКУБОВА,
Урганч тумани:

– 79 ёшдаман. Хоразмда ўтказилган тиббий кўриқда окулист Воҳиджон кўзларимни текширганда глаукома касаллиги борлиги, шу ернинг ўзида операция қилиш мўҳимлигини айтди. Ва ниҳоят бугун Воҳиджон Розуқулов раҳбарлигида ўтказилган операциядан муваффақиятли чиқиб, ўзимни яхши ҳис этдим. Кўзларимни дуога очиб, ана шундай қўли енгил врачларимиз халқимиз бахтига соғ бўлишларини Оллоҳдан тилаб қоламан.

Дилноза МАҚСУДОВА,
Республика акушерлик ва
гинекология илмий-амалий
тиббиёт маркази
акушер-гинеколог,
тиббиёт фанлари номзоди:



– Ҳазорасп, Боғот туманларида истиқомат қилувчи хотин-қизларни тиббий кўриқдан ўтказар эканман, уларда камқонлик, экстрагенитал, бепуштлиқ ва эндокринологик касалликлар борлиги маълум бўлди. Айниқса, ёш аёлларда камқонлик касаллиги кўрсаткичи юқори. Ҳомиладор аёлларни ҳам текширганимизда маълум бўлдики, уларда кечаётган айрим касалликларнинг ҳомила ривожланишига таъсири борлигини айтиб, зарур тавсиялар бердим. Бундан ташқари, ҳомиладор аёлларга оила аъзоларининг эътиборли бўлаётганликларидан қувондим. Лекин, ҳар қандай вазиятда ҳам аёлларимиз ўз саломатликларини асрасалар,

соғлом онадан соғлом бола туғилишига замин яратган бўламан.

Айниқса, Юртбошимизнинг оналар ва болалар саломатлигига қаратаётган эътибор ва ғамхўрликлари боис, бу йўналишдаги фаолиятларни янада изчиллик олиб бориш ҳамда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни мақсад қилдик. Албатта бундай тадбирларнинг узвий тарзда олиб борилишининг замирида ҳам келажак авлод бўлган фарзандларимиз саломатлиги ётади.

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

Гулнора НАГАЕВА,
Республика ихтисослаштирилган
кардиология маркази кардиологи,
тиббиёт фанлари номзоди:



– Қабулимизга келаётган кўпбеморларда юрак қон-томир касалликлари ҳисобланган гипертензия, гипертония, стенокардия, буқоқ, миокард инфаркти каби хасталиқлар аниқланди. Уларда тушунтириш ишларини олиб бориш билан бирга, кўпроқ жисмоний фаолият ва тўғри овқатланишга катта эътибор қаратишлари бўйича мўҳим тавсиялар бердик. Айрим беморлар ўзларида кечаётган ушбу касалликлар тарихи, келиб чиқиш сабабларини жуда яхши билишади. Демокчиманки, уларнинг ўз соғлиқларига бўлган эътибори катта. Боғот тумани ҳудудида яшовчи 86 ёшли Зулайхо ая Ёқубова хонадонидан бўлганимизда онахонда кечаётган гипертония касаллигининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг даво муолажалари тўғрисида оила аъзолари ҳамда маҳаллий мутахассислар билан муҳокама қилиб, бирламчи стандартларга асосан муолажалар буюрдик.

Зулайхо ЁҚУБОВА,
Боғот тумани:

– Уйимга аҳолимни сўраб келган тошкентлик врач қизим Гулноранинг муомаласи, камтарлиги ва тажрибали дўхтир эканлиги мени хурсанд қилди. Айниқса, соғлигимни чуқур текширганлиги, диққат билан суҳбатлашганлиги, касаллигим учун зарур бўлган дори-дармонларни тавсия этганлиги, гўёки дардимни енгиллаштиргандек бўлди. Президентимизга, барча шифокорларимизга катта раҳмат дейман.

Мурод РАШИДОВ,
Республика ихтисослаштирилган
эндокринология илмий-амалий
тиббиёт маркази эндокринолог,
тиббиёт фанлари номзоди:



– Дунё бўйича долзарб муаммага айланган эндокринологик касалликлар республикамиз миқёсида ҳам авж олиб бораётганлигини инкор этиб бўлмайди. Айниқса, аҳоли орасида қандли диабет, буқоқ, қандсиз диабет, гипотериоз касалликлари учраётганлиги ташвишланарлидир. Бунинг учун албатта, тарғибот иш-

ларини кучайтириш ва ўз вақтида шифокорга мурожаат этиш зарур, деб биламан. Шу кунга қадар вилоятнинг Ҳазорасп, Боғот ва Хонқа туманларида бўлиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида юқоридаги касалликлар мавжудлигини кўрдик. Шу ўринда айтишим жоизки, мазкур касалликларнинг олдини олишда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосида ишлаб чиқарилган стандартлар бўйича беморларга эндокринологик ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Ўтказилган текширувлар натижасида касаллиги аниқланган беморларга марказимизга, ҳудудий тиббиёт муассасаларига йўлланмалар берилди. Вилоятдаги мазкур йўналишдаги мутахассисларнинг билим ва тажрибалари етарли дейиш мумкин. Шундай экан, ҳар бир касаллик бўйича биргаликда иш олиб борсак, турли касалликларнинг олдини олишга муваффақ бўламан.



Тажрибали мутахассислар В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази шифокори Рустам Соатов ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси педиатри Анвар Илҳомовлар Боғот туманида истиқомат қилувчи болаларнинг соғлигини тиббий кўриқдан ўтказиш, ота-оналарга мўҳим маслаҳат ва тавсиялар беришди.

– Аҳоли орасида хирургик касалликлардан оёқлардаги қон томирлари торайиши, ошқозон яралари, жигар эхонкокки ва церрози ҳамда ўт-тош касалликлари борлиги аниқланди. Жиддий хавфи бор беморларга республика клиникаларига даволаниш учун йўлланмалар берилди, – дейди тажрибали хирург **Рустам Соатов.**

– Болалар саломатлигини тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида уларнинг айримларида камқонлик, ич фаолияти бузилиши, рахит, киндик чурраси, пешоб йўллари инфекциялари, гелментозлар ҳамда туғма нуқсонли юрак касалликлари борлиги кузатилди. Мазкур касалликлар бўйича оналарга тегишли маслаҳатлар берилди. Давога муҳтож бўлган болаларни тегишли тиббиёт муассасаларига йўлладик, – дейди педиатр **Анвар Илҳомов.**

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шiori остида ўтказилаётган мазкур тадбир нафақат Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, балки республикамизнинг барча ҳудудларида қизгин тарзда олиб борилмоқда. Ўз саломатлиги учун қайғураётган халқимизнинг оммавий тарзда тиббий кўриққа ошиқиб келаётганлигини кўриб, Юртбошимизнинг инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари йўлида қилаётган шу каби эзгу ниятли ишлари бесамар кетмаётганлигига яна бир бор амин бўлдик.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

Қутлов

ИБРАТГА АЙЛАНГАН ҲАЁТ ЙЎЛИ

Халқимизда «Ҳалоллик – мартабани безайди» деган ҳикмат бор. Бу сўз замирида нечоғлик ҳақиқат яширин эканлигини, яхшилиқ ва эзгулик йўли қалбларда мангу қолишини устоз-шифокор, академик Абдулла Муҳаррамович Убайдуллаевнинг илмий-амалий фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Инсонлар дуосини олишдек савобли касбда меҳнат қилишни ҳам фахр, ҳам бурчга садоқат деб билган Марказий Осиё респираторлар жамияти аъзоси, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази етакчи илмий ходими, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг пульмонология ва клиник аллергология кафедраси мудир, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, академик Абдулла Убайдуллаев бу йил 80 ёшни қарши оладилар. Ушбу қутлуғ сана ва босиб ўтилган улкан довонлар устознинг ибратли ҳаёт йўлидан далолат беради, десак муболаға бўлмайди.

ев раҳбарлигидаги илмий изланишлар нуфузли анжуманларда юксак баҳолашиб, эллика яқин етук мутахассислар фан номзоди ва докторлик илмий даражасига муносиб деб топилиб, бу машаққатли меҳнатлар эвазига устоз 2001 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги номига мушарраф бўлди. Олим ўпкадан ташқари аъзолар сили муаммолари билан ҳам тубдан шуғулланди. Чунки бундай касаллик инсон ҳаётини хавф-хатарга қўйиши ва унинг натижасида кўнгилсиз ҳолатлар юз бериши табиий эди. Ана



Академик А. Убайдуллаевнинг ҳаёт ҳақиқатлари:

– Инсон камолга етгани сайин, ҳаётни қанчалик мураккаб ва машаққатли эканлигини чуқурроқ тушуниб бораверади. Демакки, яхши кунлар мазмунини ҳам, қолаверса, тақдирнинг турли синовлари ўз таъсирини ўтказиб, ҳаёт фалсафасини шакллантирганлигини янада теранроқ англаб етади.

Умр йўлларидаги
синовли йиллар

Устознинг босиб ўтган умр йўллари, тиббиёт илми ривожига қўшган ҳиссасини қанчалик эътироф этсак-да, камлик қилади. Чунки, Абдулла Муҳаррамовичнинг бу йўлдаги бундай катта жасорат ва матонатларига ҳайрон қолмасликнинг асло иложи йўқ.

1952 йил... Абдулла Муҳаррамович мактабни тамомлаётганда ўз олдига моҳир меъмор бўлишни, гўзаллик ва санъат асарлари яратиш элга танилишни мақсад қилиб олган эди. Лекин тақдир уни шифокорлик касбини танлашни тақозо этди. Сабаби Абдулла Убайдуллаев мак-

рали натижаларга эришди. 1977 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида клиник пульмонология кафедраси ташкил қилиниб, бу ерда ўтган вақт давомида минглаб терапевтлар, пульмонолог ва педиатрлар тайёрланди.

Абдулла Муҳаррамович кафедрадаги ишлар билан бир қаторда илмий йўналишдаги ишларини давом эттирди. **1986 йилдан 2010 йилгача Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказини бошқариб келди.** Кейинчалик ўз ташкилотчилик қобилияти ва илмий салоҳиятини ишга солиб, ўпка-нафас йўллари носпецифик касалликлари Ўзбекистонда муаммо бўлиб бораётганини илмий асослаб берди. Бевосита А. Убайдуллаев раҳбарлигида илмий-тадқиқот доираси кенгайиб, пульмонология фанининг

Икки оғиз сўз...

Абдулла Муҳаррамович 1934 йилнинг 20 март куни Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Унинг Наврўз байрами арафасида туғилганлигининг ҳам ўзига хос рамзий маъноси бор. Зотан, «Наврўз» янги кун бўлгани каби, устоз қайси ишга қўл урмасин, қандай фаолият бошламасин, ўзига хос янгилик, замонавий, тезкор тақриёт беради.

шундай муаммоли масалаларни иноватга олган Абдулла Муҳаррамович шогирди М. Валиева билан аёллар жинсий аъзолари сили диагностикаси ва давосига оид муаммолар ечимини топди. Шунингдек, шогирдлари М. Ҳакимов ва З. Рашидовлар билан биргаликда сийдик ажратиш аъзолари силининг нозик диагностика усуллари ҳамда давосини ишлаб чиқди. Бундан ташқари, Ш. Йўлдошев билан болалар ва ўсмирлар ўртасида суяк-бўғим силани эрта аниқлаш, жарроҳлик даволаш ишлари самарасини оширишга бағишланган кенг қўламли илмий ишларни ниҳоясига етказди.

Абдулла Убайдуллаев ташаббуси ва фаоллигида фтизиатрия ва пульмонология бўйича республика ва Марказий Осиёда қатор дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. У 700 дан ортиқ илмий ишлар, 15 та монография ва қўлланмалар, 10 та ихтиро, 40 дан ортиқ услубий қўлланмалар муаллифидир. Унинг соғлиқни сақлаш хизматида қўшган ҳиссаси республикамизда тан олинган бўлиб, бронх-ўпка касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ирсиятнинг таъсири, даволаш ва унинг келиб чиқишида экологик ўзгаришлар таъсирини ўрганди. Фахр билан айтиш жоизки, соҳа ривожини юксалтиришда устоз 25 нафар тиббиёт фанлари доктори ва 39 нафар тиббиёт фанлари номзодларини тайёрлади. Бир сўз билан айтганда, таниқли олим Ўзбекистонда пульмонологлар мактабини яратди, десак муболаға бўлмайди.

Муносиб рағбат
ва эътироф

Академик А. Убайдуллаев дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида ўз маърузалари билан иштирок этиб, Ўзбекистонда олиб борилаётган изланишларни кўрсатиб ўтган ва симпозиумларда фаол қатнашиб «олтин грант» билан тақдирланди. Шу билан бирга, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва қатор хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда самарали ишларни амалга оширди. Фаолиятининг қизгин дамида Европа респиратор жамияти ва халқаро сил ва ўпка касалликлари жамиятлари аъзоси, Марказий Осиё пульмонологлар ассоциацияси президенти ҳамда Евро-Осиё респиратор

Унутилмас лаҳзалар...

– Бахтли онларим жуда кўп бўлган. 2004 йилда йилнинг «Энг яхши шифокори» номига муяссар бўлганлигим мени жуда тўлқинлантириб юборган. Айниқса, ушбу мукофотни олаётган лаҳзамда халқимиз саломатлиги йўлида қилган меҳнатларим бесамар кетмаганлиги ва тиббиёт фани ривожига қўшган ҳиссам борлигидан фахрланиб кетдим...



табни тугатиш арафасида падари бузруквори Муҳаррам ота қаттиқ бетоб бўлиб қоладилар. Оталарини парваришlash, ёрдам кўрсатиш чоғида шифокорлик касбини танлашга умид уйғонади ва ҳужжатларини Тошкент тиббиёт академиясига топширади. Олий даргоҳни тугатгач, у Тошкент врачлар малакасини ошириш институти терапия кафедрасида клиник ординатор, аспирант, ассистент, доцент, декан, даволаш ишлари бўйича проректор лавозимларида фаолият олиб боради. Ёш олим илм олиш, изланиш ва ўқишни давом эттирди ва Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Р. Абдуллаев кўрсатмаси билан Москва шаҳрига йўл олади. Абдулла Муҳаррамович илмий салоҳияти йўлидаги фаолиятларини давом эттиради. Унинг меҳнатлари самарасиз кетмади. Ниҳоят 1974 йилда А. Мясников номидаги кардиология институтида олим И. Шхвацабая раҳбарлигида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бронх ўпка тизими касалликлари юқори бўлган бир пайтда табиатан зийрак инсон Абдулла Муҳаррамович бу борада дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни англаган ҳолда, шу соҳада изланишларни бошлади ва сама-

йўналиши ривожлана бошлади. Устоз Абдулла Муҳаррамович Ўзбекистон фан ютуқларини хорижга олиб чиқиш, машҳур олимлар эътиборига ҳавола қилиш учун дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган нуфузли анжуманларда чиқишлар қилди. Дунё таниган олимлар А. Хоменко, П. Садуль, Г. Федосеев, Н. Путтовлар билан ҳамкорликда ишлади.

Муаммоларга
дуч келганда...

Камтарин олим фаолиятида яна бир улкан йўналиш – ёш ва иқтидорли мутахассисларни жамлаган ҳолда ўпканинг носпецифик касалликлари билан боғлиқ муаммолар ечимига қаратилган эди. Бу борада, маълумки, муаммолар жуда кўп бўлган, шу жумладан оғир иқлим шароити, захарли кимё моддалари йиллар давомида минглаб тонналарда ишлатилиши, экологик ҳолатнинг кескин издан чиқиши ва ниҳоят Орол муаммоси. Бу муаммолар глобал бўлиб, ҳар бирининг ечими учун ўнлаб лабораториялар, юзлаб олимлар узоқ йиллар тинимсиз изланишлари керак эди. Бу борада Абдулла Муҳаррамович шогирдлари билан узоқ йиллар самарали меҳнат қилди.

Эътирофлиси шундаки, А. Убайдулла-

Жараён

СИФАТЛИ ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ

Президентимизнинг 2009 йил 21 майда қабул қилинган «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори аҳолининг қафолатланган, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини яхшилашда муҳим дастурил-амал бўлмоқда.

Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона вилояти филиали ўтган йили реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Филиал 155 турдаги замонавий тиббий ас-

боб-ускуналар билан таъминланган. 355 ўринга мўлжалланган муассасада беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, ташхис қўйиш, даволаш ва жарроҳлик амалиётлари юқори малакали шифокорлар томонидан амалга оширилмоқда.

ЎЗА.



ИМКОНИАТ

ЯНГИ ЎҚУВ-ИЛМИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ



ўз касбининг етук мутахассислари етиб чиқишига ишонч билдирдилар.

Тадбир иштирокчилари марказ ичкарасига ташриф буюрар эканлар, яратилган барча шароит ва имкониятлар, айниқса, фантом зали, стоматоло-

га мос ҳолда жиҳозланганлигига гувоҳ бўлдилар.

– Таълим тизимини ривожлантиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, қолаверса интернет технологияларидан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш

гунги кунда жадал ривожланиб бораётган замонамизда тиббиёт соҳасини ҳар томонлама етук, хориж тилларини юқори даражада биладиган, энг замонавий тиббиёт малакаларига эга бўлган ёш мутахассисларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, – дейди "Стоматология ва терапия ўқув-илмий маркази" директори, тиббиёт фанлари номзоди Бехзод Ярмухамедов.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда республикамиз таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун олий таълим муассасалари барча керакли воситалар билан етарли даражада таъминланмоқда, аммо ушбу жараён доимий янгиланиб боришни талаб этади. Бундай шароитлар яратилган даврда мутахассис-ўқитувчилардан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, янги таълим технологиялари асосида ўқитиш тизимидан фойдаланиш талаб этилиши, табиий. Шундай экан, таълим муассасаларининг ҳар бир босқичида ўзига хос электрон ўқув адабиётлари яратилиб, таълим-тарбия жараёнига фаол татбиқ этилмоқда.

– Янгидан фаолият бошланган ушбу марказимиздаги фантом залини замонавий сенсорли компьютер фантомлари билан жиҳозлаш, стоматолог иш жойи модулида жойлашган стоматологик ускуналарни замонавий интраорал видеокамералар, радиовизиографлар, макро объектив кўзгули профессионал фотоаппаратлар ва бошқа турдаги замонавий қурилмалар билан бойитиш, конференциялар залини бир вақтнинг ўзидеда бир неча хорижий олий ўқув юрталари билан онлайн видео-конференциялар ўтказиш имкониятини берадиган замонавий видеотерминал қурилмаси ҳажмида, илмий лаборатория марказини энг замонавий ташхислаш ва текшириш аппаратлари билан таъминлаш, хорижий тилларни ўрганиш марказини янада ривожлантириш мақсадида лингафон тизимини



ташқиллаштириш, замонавий технологиялар кўргазмалари залини дунёнинг энг замонавий стоматология қурилмалари билан узлуксиз равишда таъминлаб бориш, деканат тизимини янада фаоллаштириш ва бириктирилган кафедралар фаолиятини оптималлашти-

риш мақсадида барча ўқув илмий ва даволаш фаолиятига тегишли маълумотларнинг электрон базасини яратиб бориш келгусидаги режаларимизга киритилган, – дейди Тошкент тиббиёт



ташқиллаштириш мақсадида электрон деканат тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш, шунингдек мунтазам равишда деканат ва кафедра

академиясининг Стоматология факультети декани, тиббиёт фанлари доктори, профессор Нигман Хабилов.

Ҳа, замонавий ўқув-илмий маркази ёш стоматологлар ҳар томонлама интеллектуал билим олишида ҳамда илмий салоҳият йўлида иш олиб боришларида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.



лог иш ўрни модели, маънавият ва маърифат хонаси, илмий-тадқиқот лабораторияси, ёшлар инновацион маркази, стоматологияда янги технологиялар, психолог кўмаги хоналари, конференция зали, хорижий тилларни ўрганиш хонаси, кўргазма ва маърузалар залларининг замон талаблари- (Давоми. Боши 1-бетда).

таълим сифатини оширишда катта аҳамиятга эга. Таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларига асосланган янги педагогик ўқитиш тизимини татбиқ қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, тиббиёт соҳасининг ўқитиш тизимига хорижий, хусусан инглиз тилини киритиш муҳим аҳамият касб этади. Бу-

Тадбир

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ВА АФЗАЛЛИК

Самарқанд вилоятида "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ташкил этилган тадбир доирасида пойтахтимиз ва вилоятдаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш ва тиббиёт институтларининг етакчи олимлари, юқори малакали шифокорлари чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

– Ҳафталик давомида биринчи навбатда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморлар, ногиронларни кўриқдан ўтказиш кўзда тутилган, – дейди Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Азиз Жўраев. – Шу боис тадбир бошлангунга қадар беморлар рўйхати шакллантирилиб, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилди. Бундан ташқари, кенг аҳоли қатлами вакиллари ҳам мутахас-

сислардан ўз саломатликлари бўйича тегишли маслаҳатлар олмақда.

– Тез-тез қон босимим ошиб, ўзимни беҳузур сезаман, – дейди Жомбой тумани «Ғазира» маҳалласида яшовчи Мавлуда Эржигитова. – Бугунги кўриқда бир неча мутахассис назоратидан ўтиб, хасталигимнинг асосий сабабларини билиб олдим. Улар касаллигимга аниқ ташхис қўйиб, даво муолажалари тайинладилар. Ҳафталик доирасида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи юзасидан тушунтириш-тарғибот ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Ў. ҲАСАНОВ.
Ўза.



Обуна – 2014

Ҳурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2014 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Ҳурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтими (www.uzssgtz.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлиmidан топиш имкониятига эгасиз. Бундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgtz.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.

Сиз қонунни биласизми?

ОИТСга ЧАЛИНГАНЛАР ИЖТИМОЙ НАФАҚА ОЛАДИ(МИ)?!

Республикамиз тиббиёт тизимида аҳолига кўрсатилаётган эътиборнинг амалий ифодасини "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарилган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мисолида ҳам кўриш мумкин. Хабарингиз бор, қонун 2013 йил 23 сентябрдан бошлаб расман кучга кирди. Аҳолининг мазкур қонун мазмун-моҳияти ва унинг ижтимоий аҳамиятини билишга бўлган қизиқиши ортмоқда.

Албатта, ижтимоий касалликлар қаторида ОИВ/ОИТС хасталиги тобора авж олиб бораётган глобал муаммолардан бири ҳисобланади. ОИТС аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини зарарлаши, касалликка чалинганларни ижтимоий ҳимоя қилиш мажбурияти ва унга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги, шунингдек мамлакатнинг демографик ҳолатига таъсир қилиши баробарида иқтисодий тараққиётга хавф туғдиради, миллий тараққиёт ва барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Мазкур Қонун 5 боб ва 28-моддадан иборат.

Қонунда Республика комиссиясининг фаолияти ҳақидаги норма келтирилган. Буни ташкил этиш ва амалиётга киритишдан мақсад нима? Уларга яна қандай вазифалар юклатилган?

Ҳасан БАХТИЁРОВ, ўқитувчи.

Қонуннинг 10-моддасида айнан ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг вазифалари кўрсатилган. Комиссия ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги Давлат дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди, аҳоли ўртасида профилактик масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиши, хасталикка қарши курашишга доир тадбирлар мониторингини олиб боради, жараёнга баҳо беради. Бундан ташқари, комиссия республикадаги барча ОИТСга қарши курашиш марказларининг ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лабораториялари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш ва уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга кўмаклашади. Инсон соғлиғи учун хавфсиз

бўлган усулларни амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўради.

Агар беморда ОИВ инфекцияси борлиги аниқланса...

Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, у билан кейинги маслаҳатлашув ўтказилади ҳамда у диспансер ҳисобига кўйилади, у ўзгаларга ОИВ инфекциясини юктирганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилиши керак. Вояга етмаганларда ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларда ОИВ аниқланган тақдирда, тиббий муассаса ходимлари бу ҳақда уларнинг қонуний вакиллари ҳамда улар меҳнат қилаётган, ўқиётган муассаса раҳбарини хабардор қилади.

Бундай шахсларнинг қон, биологик суюқликлар донори бўлишига йўл қўйилмайди.

Текширувдан ўтаётган шахснинг илтимосига кўра, ОИВ мавжуд эмаслиги тўғрисида сертификат берилиши мумкин. ОИВ мавжуд эмаслиги тўғрисида сертификат бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фақат ОИТСга қарши курашиш марказларида тўлов эвазига амалга оширилади.

Кимлар мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказилади?

Анвар САЛИМОВ, тадбиркор.

Қон, биологик суюқлик топширувчи донорлар, элик ёшга ча бўлган никоҳланувчи шахслар, ҳомиладор аёллар, инъекция орқали гиёвандлик воситаларини истеъмол этишда гумон қилинаётган шахслар, ОИВни юктириб олган оналардан туғилган болалар, ўз фаолиятида қон, биологик суюқлик, одам органлари ва тўқималари билан ишловчи тиббиёт ходимлари, жинсий шеригида ОИВ аниқланган шахслар мажбурий равишда тиббий кўриқдан ўтказилиши керак. Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишувига кўра, рўйхатга киритилган айрим касбларда ишловчи ходимлар ишга кираётганда, дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтаётганда мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувга жалб қилинади.

ОИВни юктириб олганларга қачондан бошлаб тиббий ёрдам кўрсатилади?

Сардор ЯШИНОВ, ҳайдовчи.

ОИВни юктириб олганларга ОИТСга қарши курашиш марказларида ва даволаш-профилактика муассасаларида яшаш жойи бўйича диспансер ҳисобига кўйилганидан кейингина тиббий ёрдам кўрсатилади. Тиббий ёрдам кўрсатиш жараёни бу касалликлар ривожланишининг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ҳамда даволашни ўз ичига олади. Даволаш бепул амалга оширилади.

Ўз хизмат вазифаларини бажараётганда ОИВ инфекциясини юктириб олган тиббиёт ходимларининг ижтимоий муҳофазаси қонунда қандай белгиланган?

Нигора САЙДАЛИЕВА, умумий амалиёт шифокори.

Қонуннинг 18-моддасига биноан, тиббиёт ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажараётганда уларга ОИВ инфекцияси юктириши касб касалликлари тоифасига киради. Уларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи, шунингдек профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишни таъминловчи тиббиёт ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз берилади.

Бир танишимнинг фарзанди 16 ёшда. Аммо у бахтсиз тасодиф туфайли ОИВ инфекциясини юктириб олган. Унга ойлик нафақа тайинлаши керакми?

Салима ҲАЙДАРОВА, уй бекаси.

Албатта, Қонуннинг 20-моддаси "ОИВни юктириб олганларни ижтимоий муҳофаза қилиш", деб номланади. Унга мувофиқ, ОИВни юктириб олганлар бепул махсус даволанади. **Ун саккиз ёшга тўлмаган ОИВни юкти-**

риб олганлар, касаллик босқичидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳар ойлик ижтимоий нафақа ва ногирон болалар учун белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар ишдан вақтинча озод қилинган ва вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз болалари билан бирга даволаш-профилактика муассасасида бирга бўлиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат фаолияти юритаётган фуқароларда ОИВ инфекцияси аниқланса, бу ташкилот улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкинми?

Дурдона ҲАЛИМОВА, иқтисодчи.

Қонунда ОИВни юктириб олганларнинг ҳуқуқлари чекланишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган. Яъни уларнинг касаллигини асос қилиб, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга, уларни ишга қабул қилишни рад этишга, (бундан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган рўйхатда назарда тутилган айрим касбий фаолият турлари мустасно), таълим муассасаларига, бундан таълим муассасаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган айрим турлари мустасно ва тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларга қабул қилишни рад этишга, шунингдек уларнинг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклашга, шунингдек, улар оила аъзоларининг тураржой ҳуқуқларини, бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга йўл қўйилмайди, деб ёзилган.

Изоҳ: янги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Қонуни ўз кучини йўқотган, деб топилди.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларнинг ўзаро алоқаларини таъминлайди;

ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга оширади;

ОИВни юктириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди;

даволаш-профилактика муассасалари фаолиятига ОИВ инфекцияси профилактикасига доир замонавий чора-тадбирлар, ОИВни юктириб олганларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда парваришlash усуллари жорий этилишини таъминлайди;

ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазиятни ҳамда ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволаш борасида қўлланаётган усуллар самарадорлигини баҳолашга доир тадқиқотларни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказлари, шунингдек туманларари ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лабораториялари замонавий даволаш-ташхис қўйиш асбоб-ускуналари билан жиҳозланишини таъминлайди;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишда қатнашадиган тиббиёт ходимларини ва бошқа ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакаси оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга ошириши мумкин.

Намоз ТОЛИПОВ тайёрлади.

Ижтимоий ҳимоя

ҒАМҲЎРЛИК ИФОДАСИ

Фуқароларни иқтисодий-ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу борадаги ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган.

"Хар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга" дейилади Бош қомуснинг 39-моддасида. Бемор организми фаолияти турғун бузилиши оқибатида унинг соғлиғи издан чиқиши, ўзига ўзи хизмат кўрсата олиши, мустақил ҳаракатланиши, кўриши, муомала қилиши, ўз хулқ-атворини назорат қилиши ёки

меҳнат билан шуғулланиш имконияти тўлиқ ёки қисман йўқолиш ҳолатлари юзага келганда, тиббий меҳнат экспертиза комиссиясига мурожаат қилади. Бунинг учун эса энг аввало, айнан бирон-бир касаллик билан боғлиқ ҳолларда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб узлуксиз 4 ойдан ортиқ вақтни ташкил этадиган узоқ муддатли бемор бўлган шахслар, шунингдек, биринчи марта аниқланган сил касалликлари, вақтинча меҳнат-

га лаёқатсизлик даври касаллик аниқланган кундан бошлаб камида 10 ой бўлса, силга қарши муассасалар ҳисобидан турганлар эса вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланганда камида 6 ойни ташкил этганда қабул қилинади.

Беморнинг касаллик тарихи, амбулатория дафтарчаси, кўриқка йўналтирилган ҳужжатларни ўрганиш йўли билан касал организмнинг барча тизимлари бўйича фуқарога ўша куннинг ўзидан белгиланган шаклдаги ТМЭК маълумотномаси берилади. I ва II гуруҳ ногиронларига бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, бундай бе-

морлар шифохонада даволанганларида тиббий ва овқатланиш хизматлари бепул кўрсатилади. Шунингдек, уларга солиқ тўлашда ҳам имтиёзлар мавжуд. Бундан ташқари, реабилитациянинг техник воситалари, жумладан, ҳасса, қўлтиқтаёқ, протез, ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари билан ҳам бепул таъминлаш кўзда тутилган. Лекин фуқаролар ўз соғлиғи ҳақида доимий қайғуриб, саломатлиги ёмонлашувига йўл қўйилмасликлари айни муддаодир.

Файзулло МАВЛОНОВ, Сирдарё вилояти бош ТМЭК раиси.

Обуна – 2014

Ҳурматли муштарийлар!

"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасига 2014 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Агар сизда саволлар, фикр-мулоҳаза ва таклифлар бўлса, қуйидаги телефон рақами ва электрон манзилларимизга мурожаат қилишингиз мумкин:
(8-371) 233-13-22,
info@uzssgt.uz,
info@minzdrav.uz

Актуальная тема

**МЕДИЦИНСКАЯ ЭТИКА И ВРАЧЕБНАЯ
ДЕОНТОЛОГИЯ В АКУШЕРСТВЕ И ГИНЕКОЛОГИИ**

Этика – наука о сущности, происхождении и развитии морали. В профессиональной медицинской этике исходным следует считать принцип гуманизма – уважение человеческого достоинства, забота о благе любого человека. Большое влияние на развитие медицинской этики оказали взгляды Гипократа, Хусайн ибн Сины (Авиценна), Парацельса и др. Деонтология медицинская есть часть медицинской этики, совокупность необходимых нравственных норм профессионального поведения медицинских работников. Это принципы поведения медицинских работников, направленные на максимальное повышение пользы от лечения. В ещё более узком смысле врачебная деонтология была обозначена как наука, изучающая конкретно медицинскую этику, правила и нормы взаимодействия врача с больным, родственниками больного, а также медиков между собой.

Медицинская этика одинакова для врачей всех специальностей, врачебная же деонтология в каждой врачебной специальности имеет свою специфику, т.е. различают деонтологию акушера-гинеколога, неонатолога, педиатра, терапевта, эндокринолога, хирурга, офтальмолога, онколога, дермато-венеролога, андролога, физиотерапевта и т. д. Медицинская этика должна настойчиво подчеркивать глубочайший гуманистический смысл того, что на профессиональном языке называется «родовспоможение». Труд медицинского работника (в данном случае – врача акушер-гинеколога, акушерки) есть тоже «служба», измеряемая масштабами рабочего времени, заработной платы и т. д., и каждый медицинский работник должен всегда сознавать избранность, благородство своей профессии. Не случайно сам термин «родовспоможение» несет в себе некоторую торжественность. Родовспоможение – историческая миссия медицины, как бы навечно поставленной у колыбели человеческого рода.

В системе здравоохранения Республики Узбекистан одной из актуальных задач является проблема охраны материнства и детства. Ведь внимание к женщине и подрастающему поколению – это внимание к будущему. Кроме того, проблемы материнства и детства тесно связаны с развитием общества. Сегодня вопросы здоровья женщин и детей не являются внутрисемейными, они приобрели общенациональный, общегосударственный характер. В Узбекистане объявлены «Год семьи» (1998), «Год женщин» (1999), «Год здорового поколения» (2000), «Год матери и ребенка» (2001), «Год здоровья» (2005), «Год крепкой семьи» (2012), «Год здорового ребенка» (2014). Приняты и реализованы Государственные программы, направленные на укрепление здоровья матери и ребенка.

В республике лечебно-профилактическую помощь беременным, роженицам и гинекологическим больным оказывают Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи (РНЦЭМП) и филиалы в областных центрах, клиники медицинской академии и медицинских институтов Министерства здравоохранения, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр (РСНПМЦ) акушерства и гинекологии, Республиканский перинатальный центр, родильные комплексы и

перинатальные центры в областных центрах, номерные родильные комплексы в крупных городах, акушерские и гинекологические отделения городских и районных больниц и медико-санитарных частей, кабинеты акушер-гинекологов, входящие в состав амбулаторно-поликлинических учреждений, и (СВП) сельские врачебные пункты (приказ Министерства здравоохранения Республики Узбекистан № 500 от 13.11.2003 года «О реорганизации работы родильных комплексов (отделений) по повышению эффективности перинатальной помощи и профилактике внутрибольничных инфекций»).

Работа медицинского персонала вышеуказанных учреждений направлена на укрепление здоровья женщины во все периоды ее жизни и предупреждение возможных осложнений и заболеваний, свойственных только женскому организму.

Акушерско-гинекологическая помощь во многих случаях является неотложной, что диктует необходимость обеспечения в родильных домах или в акушерско-гинекологических отделениях постоянной готовности к проведению экстренных оперативных пособий и вмешательств.

К числу важнейших задач, стоящих перед коллективом учреждений родовспоможения, относятся: обеспечение благоприятного исхода беременности и родов для матери и плода – рождение здорового ребенка при сохранении здоровья матери; предупреждение гинекологических заболеваний, в том числе и путем снижения числа искусственных абортов; оказание женщинам амбулаторной и стационарной медицинской помощи при гинекологических заболеваниях; повышение санитарной культуры всего населения, и прежде всего женщин, в области охраны их здоровья, охраны материнства и детства; пропаганда здорового образа жизни; активное участие в проведении мероприятий, направленных на улучшение условий труда и быта женщин, работающих в фермерских хозяйствах и промышленных предприятиях.

Эффективность деятельности акушерско-гинекологических учреждений во многом зависит от создания и постоянного соблюдения в них лечебно-охранительного режима (приказ № 600 от 29.12.2007 года «О соблюдении санитарно-гигиенического, противоэпидемического и дезинфекционного режимов в лечебно-профилактических учреждениях Министерства здравоохранения Республики Узбекистан»), осуществление ко-

торого требует выполнения комплекса разнообразных санитарно-гигиенических, противоэпидемических и другого рода мероприятий. В соблюдении лечебно-охранительного режима в учреждениях данного профиля первостепенное значение имеет общая и специальная медицинская культура.

Сюда следует отнести и надлежащее отношение персонала к обслуживаемым женщинам, и здоровый климат в самом коллективе медицинских работников, и в значительной степени внешний вид учреждения, начиная с его территории, вспомогательных помещений и т. д. Такой режим представляет собой систему мероприятий, обуславливающих хорошее настроение у пациенток, создающих доверие к персоналу и предупреждающих или устраняющих отрицательные эмоции, что может привести к благоприятному исходу как беременности, так и родов. Сотрудники акушерско-гинекологических учреждений, оказывая женщинам лечебно-профилактическую помощь в связи с беременностью, родами, а также при гинекологических заболеваниях, соприкасаются с интимными сторонами жизни людей и нередко стоят перед задачей вносить в них те или иные коррективы.

В связи с этим, медицинские работники вышеуказанных учреждений должны обладать высокой культурой, коммуникабельностью, большим чувством такта. Соблюдение этических принципов в деятельности акушерско-гинекологов и акушерок имеет огромное значение не только для охраны здоровья женщины непосредственно, но и для крепости ее семьи, счастья материнства и благополучия ее ребенка.

Целенаправленная работа всего коллектива в каждом звене акушерско-гинекологической помощи прежде всего предопределяется правильным поведением медицинских работников и обслуживающего персонала учреждения. Большое значение имеет не только квалификация врача, акушерки, медицинской сестры или санитарки, но также умение завоевывать доверие пациенток и их родственников при общении с ними. Эффективность обследования, наблюдения и оказания медицинской помощи по стандартам и протоколам, беременным женщинам, роженицам и гинекологическим больным врача акушер-гинеколога зависит как от его медицинских знаний, так и от знания медицинской этики и врачебной деонтологии. Без профессиональной подготовки и должного этико-деонтологического воспитания врач акушер-гинеколог не может состояться как полноценный, квалифицированный специалист.

Деонтологическая подготовка врача является основным регулятором качества его профессиональной деятельности, ориентиром профессиональных знаний, умений и навыков в конкретных профессиональных ситуациях. Необходимо постоянно помнить, что наука – это сила, преобразующая мир, поэтому ее роль в развитии медицины трудно переоценить. Медицинская академия и институты не могут дать готовых рекомендаций на все случаи жизни, тем более современные

темпы развития науки приводят к быстрому старению знаний. Творческой деятельностью обязан заниматься практически каждый врач.

Поэтому участие в научных работах членов медицинских коллективов, естественно, будет способствовать быстрому прогрессу медицинской науки и практики. За все время наше общество ощущало потребность в личности высококвалифицированного врача, обладающего деонтологической компетентностью. В когорте таких врачей большинство врачей акушер-гинекологов республики. Они являются представителями высококвалифицированных врачей Республики Узбекистан, посвятивших свои знания и умения уважению человеческой жизни, служению женщине, занимают в врачебной деятельности совестливо и с достоинством.

Они уважают пациенток, их секреты, которые им доверили. Выполняют врачебный долг с чистой совестью. Выделяются среди коллег качественной организацией работы, использованием и вдумчивым применением современных методов обследования и лечения у каждой больной, что помогает им легко установить контакт с больной женщиной. Своим ясным умом, чистым нравом и ясной внешностью покорили своих пациенток, их родственников, являются достойными примерами для молодого поколения врачей акушер-гинекологов.

Молодых врачей учат словами, а своим примером заставляют подражать. Своим честным трудом, ясной логикой, неиссякаемой энергией, неизменной готовностью оказать помощь всем, обращающимся к ним, неисчерпаемой душевной щедростью и скромностью, сочетающейся с доброжелательной требовательностью, они заслужили огромный авторитет. Они с благодарностью отзываются о своих учителях, доброжелательно относятся к коллегам, всегда оказывают им помощь.

Основные деонтологические требования, предъявляемые к врачам: гуманизм, профессионализм, научная обоснованность, самокритичность, уважение прав, свобод и достоинства пациентов, родственников пациентов. При правильном поведении врача акушер-гинеколога, соблюдении деонтологических принципов, доверие к нему должно появиться с первого взгляда и уж во всяком случае после первой беседы, а авторитет – в течение нескольких недель. Что может оказать влияние на доверие больного к врачу: при первом контакте критериями являются и внешний вид, и жесты, и выражение глаз, и речь. Врач акушер-гинеколог должен сделать все от него зависящее, чтобы понравиться больной. Стремление расположить к себе больную должно быть искренним, без заискивания, с соответствующим достоинством.

И. ИСМОИЛОВ,
врач ГДКБ №1.
(Окончание в
следующем номере).

Здоровое поколение – будущее страны

ЗДОРОВАЯ ДЕВОЧКА — ЗДОРОВАЯ МАТЬ

С целью пропаганды здорового образа жизни среди девочек, привития им спортивных и физических навыков, при помощи целостной системы мероприятий, направленных на специальную физическую, нравственную и морально-психологическую подготовку, в условиях развития демократического гражданского общества в Мирабадском районе Ташкента стало обычаем проводить каждый год спортивно-оздоровительный фестиваль среди девочек "Твоя судьба – в твоих руках".

Основной базой для данного мероприятия выбран ташкентский спортклуб "Миробод", отвечающий по своему устройству и оснащению мировому стандарту.

Основной базой для данного мероприятия выбран ташкентский спортклуб "Миробод", отвечающий по своему устройству и оснащению мировому стандарту.

ниры по шашкам, шахматам, футболу, волейболу, бадминтону, по настольному теннису, легкой атлетике.

Гости фестиваля и участники могут ознакомиться с мастерством опытных спортсменов и записаться в любую из спортивных секций школ Мирабадского района города Ташкента.

Прошедший на днях фестиваль в спорткомплексе "Миробод" Мирабадского района Ташкента понравился всем, даже тем девочкам, которые к физкультуре имели посредственное отношение.



Проводится фестиваль среди учениц общеобразовательных и спортивных школ Мирабадского района, организуемый хокимиятом и отде-

лом образования Мирабадского района с участием Фонда развития детского спорта. Для проведения мастер-класса по различным видам спорта задействованы спортсмены ДЮСШ

№ 44, 29, ДЮСШОР № 6, 12, 14. Здесь можно увидеть наглядные выступления по художественной гимнастике, тазк-вондо, узбек жанг санъати, тур-

Хочется, чтобы данное мероприятие набирало больше оборотов, и любовь к спорту или физическим упражнениям, к закаливанию организма стала

нормой для женской половины, а красивая фигура – ориентиром к совершенству своего тела, ведь здоровая женщина – здоровый ребенок. А смолоду

как раз требуется начинать заниматься укреплением своего здоровья.

А. ПОПОВ.
Фото автора.

Ота-оналар диққатига

Компьютер, планшет ва мобилъ алоқа воситаларида ишлаш меъёри

| | |
|------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 3 ёшгача | Фойдаланиш мутлақо мумкин эмас. Бу уларнинг саломатлигига, айниқса, кўзига жиддий зарар етказиши мумкин. |
| 3-7 ёш | Бир кунда 15 дақиқадан ошмаслиги лозим |
| 1-5-синф | 15 дақиқадан узлуксиз ишлаши зарур |
| 5-7-синф | 20 дақиқадан кўп ишлатиш зарар |
| 8-9-синф | 25 дақиқадан узлуксиз ишлатиши мумкин |
| Коллеж, лицей ўқувчиси | Бир дарс мобайнида 30 дақиқадан узлуксиз ишлатиш тавсия қилинади. Иккинчи дарсда эса 20 дақиқадан ошмаслиги лозим |



Ён дафтарингизга

ҲАЁТИЙ БИТИКЛАР

Инсоннинг кадр-қиммати ва баҳоси унинг қанча умр кўргани билан эмас, балки ўздан кейин қолдирган эзгу ишлари, қобил фарзандлари, илм-маърифатли шогирдлари билан ҳам ўлчанади.

Ўз билим ва тажрибаларини бошқаларга раво кўрмаган кишиларни гуллаб, мева бермаётган дарахларга ўхшатгим келади.

Вақтинги тежа, бировларнинг ҳам беҳуда

вақтини олма, вақт инсонга ўлчаб берилганини зинҳор унутма.

Устоз – ота-онанг каби улғу ва қадрли, шогирд эса фарзандингдек азиз бўлмоғи керак.

Китоб – бу қуёшим, чирғоғим, чашма-ю булғим, маслаҳатгўйим, устозим, дўстим ва муқаддас бойлигимдир.

Хусан САПАРОВ,
тиббийёт фанлари номзоди.

Полезные советы

Народные рецепты при сердечно-сосудистых заболеваниях

После перенесенного инфаркта больных часто беспокоят боли за грудиной, одышка. Для того, чтобы помочь справиться с этими состояниями, существует следующий рецепт: лимоны – 3 шт., чеснок – 1 головка.

Средние по размеру лимоны хорошо помыть с мылом, разрезать на 4 части, выжать сок. Кожицу мелко нарезать. Измельчить 1 головку чеснока, смешать с нарезанной кожицей, залить 1 л кипятка и в теплом месте в закрытом виде настаивать в течение суток (можно в термосе). Через сутки полученный состав процедить и влить к нему лимонный сок. Принимать по 1 ст. ложке за 30 минут до еды.

При приступах стенокардии можно принимать следующий состав: бульон куриный – 2 чашки, петрушка – 2 пучка.

В небольшую эмалированную кастрюльку влить крепкий куриный бульон. Очистить головку чеснока и положить зубчики в ту же посуду. Кипятить на слабом огне примерно 15 минут. Затем добавить петрушку и все тщательно перетереть. Дать настояться и пить минут за 30-40 до еды.

При стенокардии можно также воспользоваться следующим рецептом: мед – 1 кг., лимоны – 10 шт., чеснок – 5 головок (не зубцов!).

Очищенный и промытый чеснок и лимоны дважды пропустить через мясорубку. Массу тщательно перемешать, сложить в стеклянную банку, залить медом, закрыть крышкой и поставить в прохладное место. Через неделю средство готово.

Принимать по 4 ч. ложки 1 раз в день за 20-30 минут до еды. Проглотить одну ложку, перед приемом следующей делать перерыв в 1-2 минуты.

Подготовила Л. ВОЛОШИНА.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 8751 нусха.
Буюртма Г-359.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

